



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 31 » avgust

№ 435

Toshkent sh.

Давлат хизматларини жойларга чиқкан ҳолда кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ишларини жадаллаштириш, “Ҳар бир фуқаро – эътибор марказида” тамойили асосида аҳолининг барча қатламларига сифатли ва тезкор давлат хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида давлат хизматини кўрсатувчи ходимни фуқаронинг яшаш жойига чақириш орқали маҳсус техник қурилмалар ёрдамида давлат хизматларини кўрсатиш амалиётини кенгайтириш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи **Давлат хизматларини жойларга чиқкан ҳолда кўрсатишнинг маъмурий регламенти** иловага мувофиқ тасдиқлансан:

Давлат хизматларидан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Алоқа маркази ёки унинг расмий веб-сайти (кейинги ўринларда – “Call-марказ” ёки расмий веб-сайт) орқали мурожаат қилиш;

давлат хизматларидан фойдаланиш учун ариза юбориш бўйича сўровномаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби;

давлат хизматларини жойига чиқкан ҳолда маҳсус техник қурилмалар ёрдамида (планшет ёки компьютерга ўрнатилган дактилоскопия, принтер ва бошқалар) давлат хизматларини жойларга чиқкан ҳолда кўрсатиш “Call-марказ” ёки расмий веб-сайтдан фойдаланган ҳолда **2023 йил 1 октябрдан** бошлаб амалга оширилади.

3. Белгилансинки маҳсус техник қурилмалар ёрдамида (планшет ёки компьютерга ўрнатилган дактилоскопия, принтер ва бошқалар) давлат хизматларини жойларга чиқкан ҳолда кўрсатиш “Call-марказ” ёки расмий веб-сайтдан фойдаланган ҳолда **2023 йил 1 октябрдан** бошлаб амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги **бир ой муддатда** “Call-марказ” ёки расмий веб-сайт орқали жойларга чиққан ҳолда кўрсатиладиган давлат хизматларини кўрсатиш бўйича буюртмалар қабул қилиш ва мазкур буюртмаларни тегишли давлат хизматлари марказларига юбориш имкониятини яратсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Ж. Ташкулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 31 августдаги 435-сон қарорига
илова

Давлат хизматларини жойларга чиқсан ҳолда кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларини (кейинги ўринларда – давлат хизматлари) жойига чиқсан ҳолда маҳсус техник қурилмалар (планшет ёки компьютерга ўрнатилган дактилоскопия, принтер ва бошқалар) (кейинги ўринларда – маҳсус техник қурилмалар) ёрдамида кўрсатиш ёки давлат хизматларидан фойдаланиш учун ариза юбориш тартибини белгилайди.

Ушбу Регламент миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи ID-картасини ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш, шунингдек, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Регламентда қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг давлат хизматлари марказлари;

ариза берувчи – давлат хизмати жойига чиқиш орқали кўрсатилиши истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслар.

3. Давлат хизматлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг (кейинги ўринларда – Адлия вазирлиги) Алоқа марказига ёки унинг расмий веб-сайтига (кейинги ўринларда – “Call-марказ” ёки расмий веб-сайт) мурожаат қилиш орқали кўрсатилади.

4. Давлат хизматларини жойига чиқсан ҳолда кўрсатиш ёки давлат хизматларидан фойдаланишга ариза юбориш учун Тошкент шаҳрида базавий хисоблаш микдорининг (кейинги ўринларда – БХМ) **50 фоизи**, вилоят марказларида БХМнинг **40 фоизи**, туман (шаҳар)ларда БХМнинг **30 фоизи** микдорида бир марталик тўлов ундирилади.

Ўзгалар ёрдамига муҳтоҷ қариялар, соғлигининг ҳолатига кўра мустақил ҳаракатланиш имконияти чекланган ҳамда I ва II гурух ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

5. Давлат хизматларини кўрсатиш ёки давлат хизматларидан фойдаланишга ариза юбориш учун тўлов суммаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига ўтказилади.

6. Жойига чиққан ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш тартиби мазкур Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Ариза берувчиларга давлат хизматларини кўрсатиш ёки давлат хизматларидан фойдаланиш учун ариза юбориш бўйича сўровномаларни қабул қилиш ҳамда кўриб чиқиш тартиби

7. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланиш учун “Call-марказ” ёки расмий веб-сайт орқали мурожаат қиласди.

“Call-марказ” орқали сўровномалар соат 09:00 дан 18:00 гача иш вақти давомида қабул қилинади.

Расмий веб-сайт орқали сутканинг исталган вақтида мурожаат қилиниши мумкин.

8. Ариза берувчи “Call-марказ”га мурожаат қилган тақдирда, “Call-марказ” ходими ариза берувчи номидан, расмий веб-сайт орқали мурожаат этганда эса, Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани мустақил равища тўлдиради.

9. Давлат хизматларини кўрсатиш вақти ваколатли органнинг иш вақти доирасида белгиланади.

10. “Call-марказ”нинг масъул ходими ариза берувчига давлат хизматларини кўрсатиш тартибини белгиловчи қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган давлат хизматидан фойдаланиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар (маълумотлар) тўғрисида маълумот беради.

Ариза берувчи сўровномада кўрсатилган давлат хизматларидан фойдаланиш учун давлат хизматини кўрсатишда талаб этиладиган барча ҳужжатларни (маълумотларни) тайёрлаб қўйиши лозим.

11. Сўровнома шакллантирилиб, сўровномадаги тегишли маълумотлар ариза берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг унинг мобил телефон рақамига мазкур Регламентнинг 4-бандида белгиланганди миқдордаги тўловни амалга ошириш учун инвойс автоматик равища юборилади.

Ариза берувчи томонидан тўлов амалга оширилган вақтнинг ўзида сўровнома ваколатли органга автоматик равища юборилади.

3-боб. Давлат хизматини кўрсатиш ёки давлат хизматларидан фойдаланиш учун ариза юбориш тартиби

12. Ваколатли органнинг масъул ходими томонидан давлат хизматлари куйидаги шаклларда кўрсатилади:

давлат хизматларини тўлиқ кўрсатиш (давлат хизматлари маркази давлат хизматларини кўрсатишга маъсул бўлганда);

давлат хизматларидан фойдаланиш учун давлат хизматини кўрсатишга масъул бўлган ваколатли органларга ариза юбориш.

13. Ваколатли органнинг масъул ходими ариза берувчи билан телефон орқали боғланиб, сўровномада кўрсатилган жойга чиқади ҳамда маҳсус техник қурилмалар ёрдамида давлат хизматларини кўрсатади ёки давлат хизматларидан фойдаланиш учун давлат хизматини кўрсатишга масъул бўлган ваколатли органларга ариза юборади.

14. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан унинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси қўрилмасдан қолдирилади ва тўланган тўлов суммаси қайтариlmайди.

15. Агар ваколатли органнинг масъул ходими сўровномада кўрсатилган жойга етиб келган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида ариза берувчи сўровномада кўрсатилган вақтда ва манзилда бўлмаса, давлат хизматларини кўрсатиш учун тегишли қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳужжатлар (маълумотлар)ни тақдим этмаса, давлат хизматларини кўрсатиш ёки давлат хизматларидан фойдаланиш учун ариза юбориш рад этилади.

Бунда ваколатли органнинг масъул ходими томонидан ариза берувчига давлат хизматларини кўрсатиш ёки давлат хизматларидан фойдаланиш учун ариза юбориш рад этилганлиги тўғрисида СМС-хабарнома юборилади (рад этиш сабаблари батафсил кўrсатилади).

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўrсатилган ҳолатларда давлат хизматларини кўrсатиш ёки давлат хизматларидан фойдаланиш учун ариза юбориш рад этилган тақдирда, тўланган тўловлар қайtariлмайди.

16. Ваколатли орган масъул ходимининг айби (кечикиши ёки келмаслиги, ахборот тизими ёки маҳсус техник қурилмалардаги носозликлар) билан давлат хизматлари белгиланган муддатларда ва тартибда кўrсатилмаган ҳолатларда давлат хизматларини жойларга чиқкан ҳолда кўrсатишда ундириладиган тўлов микдорлари ариза берувчининг мурожаатига асосан унга қайtariлади.

Ариза берувчи мазкур банднинг биринчи хатбошисида белгиланган ҳолатларда давлат хизматларини жойларга чиқкан ҳолда кўrсатишда ундириладиган тўловни қайtariб олиши ёки давлат хизматларини жойларга чиқкан ҳолда кўrсатишда ундириладиган тўловни такроран амалга оширмасдан давлат хизматларидан бошқа вақтда фойдаланиши мумкин. Бунда ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланиш учун мазкур бобда белгиланган тартибда мурожаат қиласи.

17. Ариза берувчи хоҳишига кўра, давлат хизматларини кўrсатиш натижасини давлат хизматлари марказларига бевосита ташриф буюриб, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ёки почта алоқаси орқали олиши мумкин. Бунда почта харажатлари ариза берувчи ҳисобидан қопланади.

Почта алоқаси томонидан кўrсатилган хизмат учун тўлов микдори почта хизмати томонидан белгиланади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

18. Ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

19. Ариза берувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари хатти-ҳаракатлари устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

20. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Давлат хизматларини жойларга чиқсан ҳолда
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

**Давлат хизматларини жойларга чиқсан ҳолда кўрсатиш тартиби
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Ариза берувчи (жисмоний ва юридик шахслар)	<ol style="list-style-type: none">Давлат хизматларидан фойдаланиш учун Адлия вазирлигининг Алоқа марказига ёки унинг расмий веб-сайтига (кейинги ўринларда – “Call-марказ” ёки расмий веб-сайт) орқали мурожаат этади.Расмий веб-сайт орқали мурожаат қилганда сўровномани бевосита ўзи тўлдиради.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	“Call-марказ”	<ol style="list-style-type: none">“Call-марказ” масъул ходими ариза берувчи номидан сўровномани тўлдиради ва сўровномадаги маълумотлар тасдиқлангандан сўнг ариза берувчига тўлов инвойсини юборади.Тегишли сўровномани ваколатли органга юборади.	<ol style="list-style-type: none">Сўровнома тасдиқлангандан кейин автоматик равишдаТўлов амалга оширилгандан кейин автоматик равишда
3-босқич	Ваколатли орган (давлат хизматлари маркази)	<ol style="list-style-type: none">Масъул ходим ариза берувчи билан телефон орқали боғланиб, сўровномада кўрсатилган жойга чиқади ҳамда маҳсус техник қурилмалар ёрдамида (планшет ёки компьютерга ўрнатилган дактилоскопия, принтер ва бошқалар) давлат хизматини кўрсатади ёки давлат хизматларидан фойдаланиш учун ариза юборади.Давлат хизматларини кўрсатиш натижасини ариза берувчига тақдим этади: ариза берувчи давлат хизматлари марказларига бевосита ташриф буюрганда; ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда; почта хизмати орқали.	<ol style="list-style-type: none">Сўровномада белгиланган муддатлардаДавлат хизматларини кўрсатиш якунлангандан сўнг (давлат хизматларини кўрсатиш тартибини белгиловчи қонунчилик хуёжжатларида белгиланган муддатларда)



Кўшимча тўлов асосида жойига чиққан ҳолда давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентига 2-илова

**Кўшимча тўлов асосида жойига чиққан ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш ёки давлат хизматларидан фойдаланиш учун ариза юбориш учун
СЎРОВНОМА**

(санаси)

(рақами)

I. Ариза берувчи – жисмоний шахс тўғрисида маълумот:

1. Фамилияси, исми, отасининг исми:	
2. Телефон рақами:	
3. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	
4. Манзили:	

II. Ариза берувчи – юридик шахс тўғрисида маълумот:

1. Юридик шахснинг номи:	
2. Юридик шахснинг ташкилий-хуқуқий шакли:	
3. СТИР:	
4. Телефон рақами:	
5. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	
6. Жойлашган жойи:	

III. Кўрсатиладиган давлат хизмати тўғрисида маълумот:

1. Давлат хизматлари номи:			
2. Давлат хизмати шакли:	давлат хизматларини тўлиқ кўрсатиш		
	давлат хизматларидан фойдаланиш учун ариза юбориш		
3. Давлат хизматини кўрсатиш жойи (манзили):			
4. Давлат хизматини кўрсатиш санаси:			
5. Давлат хизматини кўрсатиш вақти:			
6. Кўрсатилган давлат хизматлари натижасини олиш усули:	Давлат хизматлари марказига ўзи келган ҳолда	Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда	Почта хизмати орқали

“Call-марказ”нинг масъул ходими Ф.И.О.: _____